



## XALQ DEPUTATLARI ZOMIN TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 30 - sentabr

VI-41-154-3-48-K/22

Zomin tumani hokimligi

### «Очиқ бюджет» ахборот порталида овоз бериш жараёнида ғолиб бўлган ташаббусларга фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли ва Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сон қарорларига асосан, Молия вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги WV82767631-сонли кўрсатма хати ижросини таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари Зомин туман Кенгаши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Жорий йил 15 июлдан 3 августга қадар openbudget.uz веб сайти орқали мавжуд маҳаллий муаммоларни бартараф этиш мақсадида туманда истикомат қилувчилар учун аҳамиятга эга бўлган ҳар хил мазмундаги жами 228 та таклифлар билдирилди. 4 августдан 23 сентябрга қадар ушбу таклифларнинг барчаси модерациядан ўтказилиб натижада 176 та ташаббус овоз бериш учун қабул қилинди. 52 ташаббус турли хил сабабларга кўра рад этилди. 24 августдан 17 сентябрга қадар 176 та ташаббус овоз бериш жараёнида иштирок этганлиги ҳамда яқунда 4 та ташаббус энг кўп овоз тўплаб ғолиб бўлганлиги ҳамда жамғармада 5 028 351 (беш миллиард йигирма саккиз миллион уч юз эллик бир) минг сўм маблағ шакллانганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ғолиб таклифлар ва уларга ажратиладиган маблағлар бўйича манзилли рўйхат 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ғолиб таклифларни молиялаштириш учун буюртмачи ташкилот туман ободонлаштириш бошқармаси этиб белгилансин.

4. Зомин туман ободонлаштириш бошқармаси (А.Юсупов) Молия вазирлигининг ДМБАТ дастурида ҳар бир ғолиб таклифга (4017) шахсий газна

хисобварағини очсин. Ғолиб таклифларга лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқувчи ва пудратчини аниқлаш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ва ўз муддатида танловга кўйиш ҳамда маблағларни молиялаштириш чораларини кўрсин. Ушбу ғолиб бўлган таклиф тўлиқ молиялаштирилиб бўлингандан сўнг (касса харажатидан) ортган маблағ Зомин туман ҳокимлиги қошида очилган фуқаролар ташаббуси жамғармаси шахсий ғазна хисобварағига тўлиқ кайтариш вазифаси юклатилсин

5. Туман ҳокимлиги бош хисобчиси (Э.Дарвишев)га ғолиб деб топилган таклифларга фуқаролар ташаббуси жамғармасидан 1-иловада келтирилган миқдорда маблағ ажратиш вазифаси юклатилсин.

6. Туман Ғазначилик бўлинмаси бошлиғи (О.Гаффаров)га ушбу маблағни тегишли тартибда молиялаштирилишини таъминласин. Ушбу маблағни манзилли рўйхатда кўрсатилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилсин ва ушбу маблағларнинг бошқа мақсадларга ишлатилиши таъқиқлансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Омонқулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Абдуганиев

кинг сўмда

№	Голнб таксиф маълумотлари			Тадбирни амалга ошириши учун талаб этилаётган дастлабки маблағ	Дойиҳани амалга ошириши учун талаб этилаётган қўшимча хужжатлар	Харид қилиш тартиб-таомили тури	Бюджетдан ташкилот	
	Таксиф ID рақами	Кискача мазмуни	Амалга оширилган тадбирларнинг миқдори					Тўқланган овозлар сони
"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" да 2-босқич учун шакллантиган маблағ								
1	0470600004	Зомин тумани Бешкуб КФЙ Увол кишлоғига олиб борувчи йўлнинг 2100 метр қисmini асфальт қилиши	Бешкуб КФЙ	4 370	1 200 000	Дойиҳа-смета хужжатлари, экспертиза ҳулосаси, танлов баённомаси, пудрат шартномаси	Энг яхши таклифларни танлаш	Зомин тумани ободонлаштириш бошқармаси
2	0470600020	Зомин тумани Бешкуб КФЙ Бешкуб кишлоғи Ахтихона маҳалласига олиб борувчи йўлнинг 2000 метр қисmini асфальт қилиши	Бешкуб КФЙ	3 576	1 200 000	Дойиҳа-смета хужжатлари, экспертиза ҳулосаси, танлов баённомаси, пудрат шартномаси	Энг яхши таклифларни танлаш	Зомин тумани ободонлаштириш бошқармаси
3	0470600039	Зомин тумани Гулшан КФЙ Гулшан кишлоғи ички кўчаларига ёритиш чироклари ўрнатилиши	Гулшан КФЙ	1 506	1 200 000	Дойиҳа-смета хужжатлари, экспертиза ҳулосаси, танлов баённомаси, пудрат шартномаси	Энг яхши таклифларни танлаш	Зомин тумани ободонлаштириш бошқармаси
4	0470600002	Зомин тумани Истиклол КФЙ Чапарашли кишлоғи ички кўчаларини 2200 метр қисmini асфальт қилиши	Истиклол КФЙ	1 446	1 200 000	Дойиҳа-смета хужжатлари, экспертиза ҳулосаси, танлов баённомаси, пудрат шартномаси	Энг яхши таклифларни танлаш	Зомин тумани ободонлаштириш бошқармаси
Жами ажратилиши доғим бўлган маблағ					4 800 000			
Таксимилаштирилган маблағ					228 351			
								X